

Халқ сўзи

Ўзбекистон
КОНСТИТУЦИЯСИ
ДУШАНБА

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

2002 йил 15 август, 169 (2997)

Пайшанба

2003 йилги Давлат Бюджети лойиҳаси муҳокамада

14 август куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳузурда 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет лойиҳаси масаласи бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ҳ.Султонов, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика иқтисодий идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Муҳокамага қўйилган бюджет лойиҳаси асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан келиб чиқиб, жорий йилга нисбатан янги ички маҳсулотнинг ўсиши ва инфляция даражасининг пасайиши эътиборга олинган ҳолда шакллантирилган.

Бюджет лойиҳасини шакллантиришда ҳўжалик субъектларининг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, айланма маблағларини қўпайтириш, ишбилармонлик фолдлигини ошириш учун ҳўжалик субъектларининг солиқларини камайтириш масаласига катта эътибор берилган. Шу мақсадда юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ ставкасини 4 фоизга ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ижтимоий сурғуртага мажбурий тўловлар бўйича ставкасини 2,8 фоизга камайтириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тўловчиларнинг иккинчи ва учинчи гуруҳлари бўйича солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда паст ставкалар бўйича солиққа тортиладиган гуруҳлар бўйича умумий даромад чегараларини кенгайтириш эътибори жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқларнинг ўртача 10 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар тўлиғича йиғилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Молия, солиқ ва боғхона идораларига солиқлар ва тўловлар тўлиғича йиғилишини таъминлашнинг аниқ йўналишлари ва механизмни белгилаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан топшириқлар берилди.

Табиий, моддий-техник ресурслардан самарали ва тўғри фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида бюджетнинг умумий даромадларини шакллантиришда ресурс ва мол-мулк солиқлари ролин янада оширишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш қисмида уларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини кўпайтиришга эътибор берилган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини иқтисодий ҳимоялашга йўналтирилган ҳаракатлар улушини 2002 йил бюджет иқтисодий ҳаракатларнинг 47,2 фоиздан 2003 йилда 52 фоизга ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, касб-хўна коллежлари ва академик лицейлар қурилиши, уй-ҳўй ҳўжалиги инфратўзимини ривожлантириш, қиш-

лоқни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни қабул қилинган дастурларга мувофиқ молиялашнинг таъминлаш вазифаси юклатилди. Маблағларни самарасиз, мақсадсиз сарфлашни қисқартириш, давлат бошқаруви идораларига кетаётган харажатларни янада камайтириш йўли билан бюджет харажатларини тежаш назарда тутилган.

2003 йилда инвестицияларнинг умумий ўсиши прогноз қилинган ҳолда бюджет маблағлари ҳисобидан уларнинг ҳажмининг камайтириш ва қорхоналарнинг ўз молиявий манбалари аҳамиятини ошириш, бевосита инвестициялар жалб этиш режалаштирилган.

Муҳокама натижаларига кўра, 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг равшан белгилаб берилган асосий устуворликларидан келиб чиқиб, бюджет лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Бу, авваламбор, иқтисодийнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сибсатини олиб бориш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш, пул тизимини ва миллий валюта курсини янада мустаҳкамлаш ва миллий валютанинг жорий операциялар бўйича алмаширини таъминлашдан иборат.

Маҳсулотлар рақобатбардорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, қатъий пул-кредит сибсатини олиб бориш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш, пул тизимини ва миллий валюта курсини янада мустаҳкамлаш ва миллий валютанинг жорий операциялар бўйича алмаширини таъминлашдан иборат.

Маҳсулотлар рақобатбардорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, қатъий пул-кредит сибсатини олиб бориш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш, пул тизимини ва миллий валюта курсини янада мустаҳкамлаш ва миллий валютанинг жорий операциялар бўйича алмаширини таъминлашдан иборат.

Йиғилишда қўрилган кўра Вазирлар Маҳкамасига иқтисодий идоралар билан биргаликда 2003 йилги Давлат бюджет лойиҳасини такомиллаштириш ва жорий йилнинг 15 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритиш вазифаси юклатилди.



Инакларни тиллоли

Камalak жилосини эспатувчи ўзбек атласининг доврўга баланд. Айниқса у қўёш нурларида товланганда янада ўзгача чирой касб этди. Охунбоев туманида ташкил этилган "Водий Маржона" хусусий ишлаб чиқориш фирмасида пилла маҳсулотидан хом табиий инак тайёрланиб, ундан "Сигра", "Хосиятхон", "Сайқал", "Томчи" ва "Надир" деб номланган сержило атлас турлари ишлаб чиқарилаётир.

Айни кунларда мазкур фирмада 120 нафар кишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: атлас тўқувчи Наргиза Акбарова иш устида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

деб номланган сержило атлас турлари ишлаб чиқарилаётир.

Айни кунларда мазкур фирмада 120 нафар кишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: атлас тўқувчи Наргиза Акбарова иш устида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ташрифдан сўнг

Унутилмас Воқеа

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг шу йил 28-31 июль кунлари Японияга амалга оширган ташрифиди кунчиқар мамлакат жамоатчилиги, илмий доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Улардан айримлари "Жаҳон" АА муҳбири билан бўлиб ўтган сўхбатда ўз фикрларини қўйидагича баён этишди.

Казуко ОКУИ, Япония хотин-қизлар ташкили асосчиси, Васеда университетининг собиқ талабаси: — Авваламбор шунинг қайда эгитилиш истардимки, Марка Осие минтақасида етакчи ўринда турган келаятган Ўзбекистон раҳбарининг биз таҳсил олган олий ўқув даргоҳига ташриф буюганининг ўзи барчамиз учун муҳим ва унутилмас бир воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Васеда университетидоги маърузаси менга жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, жапон Ислоҳ Каримовнинг интеллектуал ва маънавий қадриятларининг ҳар қандай мамлакат тараққийотида энг кучли омил эканлиги ҳақидаги фикрлари менга мўлқ қелди.

Аждоғларимиз маданиятининг тарихан бир-бирига яқин бўлганлигини бутунга кунга-

ган янги дастур ишлаб чиқдик.

Шу йил сентябрь ойи бошларида Сетага яёлар жағияти вакиллари ва Токиодоги Сетага яёлар бошқаруви аъзолари Ўзбекистонда бир ҳафталик ташриф билан бўлишди. Қарийб 30 кишидан иборат ушбу гуруҳ фаол жамоатчи яёлар, ўқитувчилар ва уй бекалари орасидан танлов асосида ташкил этилган.

Ташриф буюрувчилар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўмагида мамлакатнинг турли вилоят ва шаҳарларида бўлиб, ўзбек яёларининг турмуш тарзи, уларнинг жағиятга тугган ўрни ҳамда фойдалиги билан яқиндан таъминланди.

Ташрифдан кўзланган энг асосий мақсадимиз — ўзбек маҳалларида мавжуд бўлган анъанавий ўз-ўзини бошқариш уелублари, шунингдек, мавжуд ўзаро ёрдам, ҳашар, яхши қўнчилик ва маҳалладаги тарбиявий ишларни ўрганиш ҳамда кейинчалик уларни япон "маҳаллари"да таъбиқ этишдан иборатлар.

Беруний АЛИМОВ,
"Жаҳон" АА муҳбири.
Токио.

Ишонч Ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Аҳмаджонов Афғонистон ўтти ҳукумати раиси Х.Қарзайга ишонч ёрлиқларини топширди.

Топширилган маросимдан сўнг бўлиб ўтган сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Афғонистон раҳбари Х.Қарзай Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга мамлакатни қайта тиклаш сўй-ҳаракатини қўллаб-қувватлагани ва афғон халқига кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдирди.

"Жаҳон" АА.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Япониянинг "Goro International Press" компанияси президенти Горо Куромочи раҳбарлигида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова билан сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани мунуният билан таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ўтган ойда Японияга буюрган расмий ташрифиди икки мамлакатнинг ҳам-


корлик қўламини янада кенгайтиришда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўхбат чоғида меҳмонларга Ўзбекистон ижтимоий-сўсий, маданий ҳаётида хотин-қизларнинг тугган ўрни, мамлакатимиз тараққийотида қўшаётган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил сўзлаб берилди. Шунингдек, меҳмонлар мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини асраш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган ишлар билан танишди. Икки мамлакат жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

Олий Мажлисининг IX сессияси олдинда

Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокама-сига «Фўқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси биринчи ўқишда киритилиши кўпчиликини қизиқтираётгани табиий. Негаки, бу борада ҳали баҳс-таъвоқ масалалар анча. Навоий вилояти ҳокимлигининг ариза ва шикоятлар билан ишлаш шўбаси мудири Баҳодир Норов муҳбиримизга шу юзасидан ўз фикрларини билдирди:



Шикоятнинг ҳам қондаси бор

— Ҳаётда шикоятли жараён бекаму кўст давом этмайди. Билиб-билмай қонунбузарликка қўл ураётган, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ ҳис этмаётган шахслар оз эмас. Ариза ва шикоятлар қандай пайдо бўлади? Маҳалла, ҳўжалик, ташкилот, қорхона ва муассасаларда барқарор маънавий муҳит яратилмаганлиги, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги турли мурожаатларга сабаб бўлиши ҳаммага аён.

Менимча, сессия кун тартибига «Фўқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги қонун лойиҳасининг киритилишини ҳаётимизда ўз бераётган тўб ўзгаришлар тақозо этди. Кўчли демократик давлат, фўқаролик жағиятини қўриш йўлидаги ислохотлар, қонунчиликнинг маданий-тарбиявий савияси билан боғлиқ, айнан ариза ва шикоятларда, фўқароларнинг мурожаатларида ана шу ҳуқуқий маданият мезони не-

қонли шаклланаётганлиги ўз аксини топмоқда.

Ҳар кун ҳокимиятга ўнлаб кишилар мурожаат қилади, ариза, шикоят юборди. Телефон қўнғироқлари бўлади, таклифлар билдирилади. Уларнинг ҳар бири назоратга олинди. Қачон ҳал этилиши белгиланади. Аҳолининг мурожаатлари шаҳар, туман ҳокимликлари, ташкилот, қорхона ва бошқармалар ишидаги сўст томонларни ўз вақтида пайқаб олиш имконини беради. Табиийки, турли-туман ахборот, аризалар келгуси ишларни режалаштиришда ҳисобга олинди. Тегизли қарорлар қабул қилинишига асос бўлади.

Мурожаатлар синчиқлаб ўрганилиб чиқилганда, ақсариятини ўша жўйнинг қўри-нади. Делик, бирор мансабдор шахс ҳузурига шикоят билан келди. Мансабдор эса

(Давоми 2-бетда).

Ўқинг!

Нефть ва ғалла мустақиллигини қўлга киритган давлат ҳеч кимга қарам бўлмайди.

2-бет

Велосипед минган эна

4-бет

Бугуннинг гапи

Арман диёрида алломишча кураш

- 30 август – 1 сентябрь, Ереван: Кураш бўйича IV жаҳон чемпионати ўтказилади
- Кураш халқаро ассоциациясининг V конгрессида КХА президенти раисга сайлов бўлади
- Янги Зеландиядан Канадага, Парагвайдан Нигерияга

Кимни полвон дейишадисиз? Фақат ўзининг маҳалласида эмас, ўзга эллар, олис юртларда ҳам кураги ерга тегмаган кишини шундай эъозлашади. Эҳтиром ила давранинг турига чор-

лашади. Ўғил қўрган ота-онанинг, сизга ўхшаб қилиши каси ер кўрмасин, дея полвонлардан фотиҳа олиши ҳам бежиз эмас.

Кураш ҳам, полвонлик ҳам ўзегимнинг энг қадир-

мий ва энг гўзал қадриятларидан бири. Бизнинг ана шу анъанамиз 1991 йилнинг 31 август кундаги жаҳон сўрат, бу қаҳрамонликни қўлиб қўтлаган 1 сентябрь КҮЕШИ тўғрисида дунёга юз тугиш имконига эга бўлди.

Халқ орасида имконият бир марта берилди, деган гап юрди. Буни фўратни қўлдан бой берган

(Давоми 4-бетда).

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

ТАДБИРКОРГА ТАЗЙИҚ ҚИЛМАНГ

Мазмун моҳиятини белгилайди

Тадбиркорлик ҳар бир давлат иқтисодиётини ҳаракатта келтирувчи, уни ривожлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шунингдек, тадбиркорлик ҳам мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сибсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир. Ушбу сибсатнинг моҳияти, уни амалга ошириш шакли ва воситалари Президентимиз томонидан ҳар томонлама асослаб берилган. Жумладан, Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йилги яқунлаб бағишланган мажлисида: "Тадбиркорларнинг фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб-

қувватлаш, улар учун қўлай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб бериш масалаларини биринчи галда, худудий ҳокимият ва бошқаруви идоралари раҳбарларининг доимий диққат марказида туриши керак", дея таъкидланди.

Тўғри, бугунги кунда мамлакатимизда бозор муносабатлари амал қилмоқда. Тадбиркор бу жараёнинг фаол иштирокчиси, жағиятга муайян мавқега эга бўлган удабурон ишбилармон. Бирок, шундай бўлса-да, ҳамма ҳам тадбиркорларга ўнг қўз билан қараётгани дейилмайди. Бундай таъсирчан илдирилари яқин ўтмишдаги мафқуравий ақидалар билан чамбарчас боғлиқ, десак муболаға бўлмас. Негаки, 70 йилдан ортиқ вақт давомида совет тузуми кишини муқддан маҳрум этиб, боқиманда, муте, иттибор

шахсга айланганлиги ҳаракат қилди. Биласиз, ўша даврда тадбиркорлик салбий иллат сифатида қораланиб, ишлаб чиқаришни мустақил равишда ташкил этган киши жинойий жаобгарликка тортилган эди. Аслида эса тадбиркор ташаббускор, ишбилармон киши бўлиб, у шунчаки фойда, даромад ортиришни мақсад қилиб қўймади. У ўз фаолиятини орқали шахсий манфаатларини жағият манфаатлари билан уйғунлаштирди. Қолаверса, жағиятнинг барқарорлигини таъмин этадиган муқдорларнинг синфининг ўзати ҳам тадбиркор ҳисобланади. Шу сабабли тадбиркор жағиятда чинакам ҳурмат, обрў-эътиборга сазовор бўлиши лозим. Бугуннинг фалсафаси ана шундай.

(Давоми 4-бетда).



«Халқ сўзи» назоратида

Газетамизнинг шу йил 17 июль сонида "Хиёнат" сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тасаруфидоги айрим ўқув муассасаларида ўтган йили рўй берган жиддий хато-камчиликлар ҳуқуқидоги сўз юритилган. Чунончи, масъул кишилардан баъзилари Юртбошимизнинг эндигина мактаб остонасига қадам қўйган ўғил-қизларга аталган, 12 хил ўқув қуролларидан иборат совғасига қўз олайтирганликлари афсус ила тилга олинган.

Айбдорлар жазоланди


Яқинда шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим бошқармаси бошлиғи А.Зокридовдан расмий жавоб олдик. У кишининг таъкидлашича, мақола эълон қилинган кунгидеки вилоят халқ таълими бошқармасининг навбатдан ташқари ишлаб чиқариш йиғилиши, 19 июль кунини эса Чиноз тумани ХТБ кенгашида муҳокама қилинган. Шу асно мақолада келтирилган далиллар тасдиқланган.

Жавобда алоҳида таъкидлашича, Чинозда рўй берган воқеа газетда ёритили-

ши арафасида ҳам вилоят ХТБда ўрганилган. Туман молия бўлими томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 2002 йил 12 июль кунини ХТБ мудири А.Жиянбоева уч ойлик, бош ҳисобчи Н.Сопинова икки ойлик маошларини мақдоридо, туман прокуратураси тақдимномаси ва солиқ инспекцияси қарорига биноан, ҳар иккаласига 39450 сўмдан жазима солинган. Бундан ташқари, вилоят ХТБнинг 2002 йил 15 июлдаги 67-сонли буйруғига асосан, А.Жиянбоев билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Зангиота тумани ва Янгибўл шаҳар халқ таълими бўлимидаги камчиликлар вақтида бартарф этилган. Айбдорларга нисбатан интизомий чоралар қўрилган. Еттимайдаги ўқув қуроллари кирини қитланганлиги орқали ундирилган ва сотиб олинб, ўқувчиларга етказилган.

Ушбу мақола газетда чиқариладиган сўнг вазирликда Қоракўлпогонистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Халқ таълими бошқармаларининг масъул ходимлари иштиракида ўрганиб чиқилди. Улар зинасига мақоладан тетишган ҳулоса чиқариб, аниқ чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклатилди.



Саана

Каримовнинг Хиндистонга қилган навбатдаги ташрифи ҳинд-ўзбек алоқалари тарихида кескин бўрилиш ясади. Ушбу ташриф чоғида бениҳоя аҳамият касб этадиган қатор ҳужжатлар имзоланди. Биргина шунинг ўзи ўзбек давлати раҳбари ташрифи нақадар муваффақиятли бўлганини кўрсатиб турибди. Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларга Ўзбекистон ва Хиндистон ёндошида талайгина ўшашликлар борлиги ҳеч ким учун сир эмас. Кўз қарашлардаги бундай бир хиллик икки тарафлама ҳамкорликка янги бир жило бериши айниқса теран маъно аниқтади.

Мен бир қаламқаш сифатида шунга айтишим керакки, Ўзбекистон билан бўлган бизнинг ҳамкорлигимиз ўз самардорлигини кўрсатмоқда. Мен ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шунга таъкидлашим лозимки, Хиндистон ҳам, Ўзбекистон ҳам халқаро терроризмга қарши курашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўзбек-ҳинд савдо алоқалари тобора ривожланиб келмоқда. Уттан 10 йил мубайнида давлатларимиз ўртасидаги товар обороти 16 бараварга ошди. Ўзбекистонда

ҳинд инвесторлари иштирокида 70 дан зиёд қўшма корхоналар бунёд этилди. Ўзбекистон Давлат мўлки қўмитаси ҳинд сармоядорларини Ўзбекистон иқтисодига жалб этиш билан боғлиқ бўлган кўпгина ишларни амалга оширди. Хиндистон талбиркорларининг ўз навбатида дўст мамлакат Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга қизиқишлари тобора ортимоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, бу йўналиш кичик ва ўрта бизнес, темир йўл, меҳмонхоналар хизмати, автомобилсозлик, тўқимачилик ва енгил саноат, нефть ва газ соҳасида айниқса ўз ифодасини топмоқда. Яқиндагина Москвада Халқаро Маркази (Янги Деҳли) вакил-

ўйнади. Ўртамаздаги маънавий муштараклик ва маданий қадриятлар икки томонлама ҳамкорликка нафис бир жойга касб этади. Шу боисдан ҳам биз дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда маданий аъёнлар биринчи ўринда туради, дейишга ҳақимиз. Ўзбекистон телевидениеси каналларида «Рамаяна» ва «Маҳаб-хорат» ҳинд эпослари асосида тайёрланган сериалларнинг кўрсатилиши, «Намасте, Хиндистон!» номли радиодастурлар, экранларда ҳинд кинофильмларининг намойиш этилиши ва энг муҳими бу хилдаги кўрсатув ва эшитиришларга мухлислар қизиқишининг ортиб бориши ҳинд-ўзбек маданий ришталарининг нақадар қадимий эканлигини далolat бериб турибди. Кўҳна ва азим Самарқанд ва Бухоро номларини Хиндистонда ким ҳам эшитмаган дейсиз. Гениал математик Ал-Хоразмий, қомусчи олим Ал-Беруний, астроном ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек қолдирган илмий мерос нафақат Хиндистон олимлари, балки олдин халқ орасида ҳам маълум ва машҳурдир. Бу ўринда мен биргина фактни келтирмоқчиман. Гари Хиндистон дунёдаги дерази барча мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган бўлса-да, ҳинд маданияти марказлари бор-йўли 13 та мамлакатда фаолият кўрсатмоқда ва булар ичига Ўзбекистон ҳам кирди. Марказий Осиёда Хиндистон маданияти маркази биринчи бўлиб Тошкентда очилди. Хиндистон ва Ўзбекистон ўртасида маданий алоқалар ўз-ўзидан ортиб боради. Шу боисдан ҳам биз, ҳиндистонликлар, ўзбек халқини Юртбошини айтган ушбу сузларни қайта-қайта эслаб тураемиз: «Ўзбекистоннинг дерази ҳар бир фуқароси ҳинд маданиятини севди ва Хиндистон билан бўлган дўстлик алоқаларини бениҳоя қадрлайди».

15 август – Жанубий Корея мустақиллиги кунини

Жанубий Корея — Осиё минтақасининг энг жадал ривожланаётган давлатларидан бири. Сўнгги чорак асрда у қатор соҳалар, жумладан, фан-техника бобида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди.

Ушбу мамлакат халқи ўзининг миллий байрами — Мустақиллик кунини катта тантана билан нишонламоқда. Шу муносабат билан ЎзА мухбири Жанубий Кореянинг юртимиздаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Чанг ХУН билан суҳбатлади.

Тараққиёт йўлида собит юрт

Хар бир инсон ҳаётида байрамлар ва унутилмас саналар бўлиб, биз уларни одатда катта ҳаяжон ва интиқлик билан кутамиз. Шундай бўлса-да, мамлакат Мустақиллиги кунининг ўзгача шукҳи, ўзгача аҳамияти ва улғурлиги бор, десак, адашмаган бўлимиз, негаки бу байрам ҳар бир мамлакат фуқаросига тегишлидир.

Бугун Ўзбекистон учун қарош ва яқин бўлган Хиндистон мамлакатини ўз мустақиллигининг 55 йиллигини нишонламоқда. Истиқбол дарида ўтган йиллар кўрсаткичидан шу нарсага билан бўладики, Ўзбекистон сингари Хиндистон ҳам илтимоний ҳаётда ва иқтисодий ҳаётида ажойиб ютуқларга эришган. Шимодола маҳаббатли Химодий тоғлари билан ўралган Хиндистон Республикаси алоҳида шатлардан ташкил топган бўлиб, суверен социалistik дунёвий мамлакатдир. Хиндистоннинг 3287263 квадрат километрга тенг бўлган ҳудудда 2001 йилнинг март ойигача бўлган маълумотта биноан 1 миллиард 27 миллион киши истиқомат қилади. Бугунги Хиндистон 28 та штат ва 7 та иттифок ҳудудлардан иборатдир.

1947 йилда мустақилликка эришган Хиндистон ҳар бир соҳада тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мамлакатдаги исоҳотлар жараёни ҳозирги кунда ҳам узлуксиз давом этмоқда. 2001 йил апрель ойига келиб Хиндистон иқтисодига ўтказилган хорижий сармоялар 70 миллиард 959,67 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Хиндистон билан бўлган ўз савдо-сотиқ алоқаларини муваффақиятли равишда ривожлантириб бормоқда. 10 йил мубайнида Хиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо обороти 17 баравар ошди. Аниқ қилиб айтишдан бўлсак, бу борадаги кўрсаткич 1992 йилда 2,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2001 йилга келиб 33,4 миллион долларни ташкил этди. Уттан

Президент тинчлик тарафдори

Исроил президенти Моше Кацав Катарнинг «Al-Jazeera» телеканалига берган интервьюсида барча араб давлатларини Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатишга чақирган. Кацав «араблар билан барқарор ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун» музокаралар бошлашга барча араб давлатлари раҳбарлари Қуддусга келишга ёки Исроил раҳбарлари араб давлатлари-га боришга таяйрилигини билдирган. «РИА Новости» агентлигининг хабарига кўра, президент Исроил ҳукумати Саудия Арабистонини валиаҳд шаҳзодаси Абдулланнинг Яқин Шарқ бўйича тақлифини маълум қилган.

Осиёда тошқинлар

Хиндистон, Непал ва Бангладешда давом этаётган тошқинлар оқибатида 874 киши қурбон бўлди. Непалда табиий офат туғайли 427 киши ҳаётдан қўз юмди ва 250 мингдан зиёд киши жабрланди. Хиндистоннинг Биҳар штатида тошқинлар сабабли 265 киши ҳалок бўлди. Ассам штатида ҳам 30 дан зиёд киши қурбон бўлди. «Лента.ру»нинг маълумотига кўра бу штатларда 15 миллиондан зиёд киши бошпанасиз қолган.

Келажак автомобили

«General Motors» концерни ўзи ҳаракатланувчи автомобилнинг моделини намойиш этди. «Лента.ру»нинг маълум қилишича, унга тўлиқ электрон бошқарув тизими жорий қилинган.

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ САРИ

— Эркинликка эришилган кун барча халқлар каби биз учун ҳам энг азиз байрам, — деди элчи. — Бу санага корейликлар алоҳида эътибор билан тайёргарлик қўради.

Мустақилликка эришилган Корея Республикаси илтимоний сиёсий, иқтисодий ҳаёти туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Мамлакатда улкан иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Уларнинг натижаси ўлароқ, Жанубий Корея ишлаб чиқариши ва саноат бўйича жаҳондаги етакчи давлатларнинг бирига айланди.

Ташкилламоқ жонзми, Жанубий Корея иқтисодий тараққиётини жиҳатидан дунё давлатлари орасида ўн иккинчи ўринни эгаллайди. Элчи ўз мамлакатининг бу даражада етиши осон кечмагани, халқ ва ҳукуматнинг бирдамлиги, тараққиёт йўлида жипслашганига шундай чўққиларга эришиш имконини берганини таъкидлади.

Давлатимиздаги бугунги вазият ҳақида тўхталганидан бўлсак, — дея давом этди Чанг Хун. — Жанубий Корея агросаноат соҳасида ҳам илдам ривожланаётган мамлакат. Юртимиз заминини тошқумир, темир, рух, мис, қалай ва бошқа қўшлаб қазилма бойликларга эга. Шу боис қайта ишлаш саноатига алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, мамлакатимиз кемеасозлик, автомобиль ва электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича олди ўринларни эгаллайди.

Истиқбол йилларида аэрокосмик саноат, биотехнология, ген инженерияси соҳаларида асос солиниши. Ушбу жаҳондаги изланишлар илмий даражада эътиборга эришмоқда.

Жанубий Корея иқтисодийта экспорт масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижий бозорларга чиқариш экан, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиш мушкул. Бугунги кунда Жанубий Кореянинг қўшлаб маҳсулотлари дунёда кенг эътироф этилади. Бу биз учун фахрли, албатта.

Элчи сузларининг тасдиғини ушбу мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 1992 йил ўзро дипломатия муносабатлари ўрнатилган, турли соҳаларда, айниқса иқтисодий ҳамкорлик катта суръат билан ривожлана бошлади. Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ортиб кетган. Юртимизда маъзур мам-

лакатнинг 15 йирик компанияси ваколатхонаси ҳамда йигирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «ЎЗДЭУ-авто» алоҳида ўрин тутди. Бу қўшма корхонанинг маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон ё Марказий Осиё минтақаси, балки анча олис ўқаларда ҳам харидордир.

Бундан ташқари, тўқимачилик соҳасида «Қабул текстил» компанияси билан тузилган бир неча қўшма корхона ҳам алоҳида таъкидламоқ жонзми. Пойтахтимизда ва бир неча вилоятларда очилган бундай корхоналарнинг маҳсулотлари қарийб юз фоиз экспортга чиқаришмоқда.

Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил равишда давом этмоқда. Хозирга қадар икки юзга яқин ўқитувчи, муҳассис ва талаба Жанубий Кореяда билим олиб, малака ошириб қайтди. Бунинг баробарида Корея Республикаси ҳукумати бегараз ёрдам тариқасида Ўзбекистонга ўқув жиҳозлари, техника ускуналари етказиб бермоқда. Пойтахтда Жанубий Корея таълим маркази ишлаб турибди.

— Маданият соҳасидаги алоқаларимиз алоҳида эътиборга лойиқдир, — деб сўзчида давом этди Чанг Хун. — Хар йили эълонхона томонидан «Корея маданияти ҳафталиги» ни ўтказиш аниқлана айланган. Жорий йилда ҳам ҳафталик доирасида қўшлаб таъбирлар ўтказилди. Пойтахтдаги Киночилар уйида корей кинорежиссёрлари асарларининг тақдими бўлиб ўтди. Бундай таъбирлар икки мамлакат халқларининг янада яқинлашувиغا яхши имконият яратди, албатта.

Жанубий Кореянинг машҳур «КИМХО-АСИАНА» квартиети Алишер Навоий номидаги давлат катта академик театрида ўтказган концертни ҳам икки томонлама маданий ҳамкорлик соҳасидаги катта воқеа бўлиб, дейиш мумкин. Маҳорати эллиқдан ортиқ мамлакатда эътироф этилган санъаткорларимизнинг Ўзбекистонга ташрифи Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг ўн йиллигига бағишланди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келатган миллий кунини — Мустақиллик байрами билан табриқлайман. Юртимиз тинч, осмонининг доим мусаффо бўлсин!

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА суҳбатлади.



Э Ў З О З

Бағдод туман маорифчиларининг яхши бир одами бор. Фахрий педагоглар билан тез-тез учрашиб, уларнинг тажрибалири урғандошлар, кези келганда, қимматли маслаҳатларига амал қиладилар. Шу боисдан бўлса керак, маориф соҳасида эришилаётган ютуқларда фахрий ота-онахон мураббийларининг йўл-йўриқлари, бой тажрибаларидан унумли фойдаланиш катта наф бераяпти. Суратда

қўриб тураганингиздек, шу кун ҳам туман халқ таълими бўлими мудири Дамирахон Юсупова тажрибали педагог Замира Насриддинова билан Розияхон Сутонова ва Хошимжон Абдувоҳидовлар олдига келишди.

— Маслаҳатга келган экансизлар, бош устига, — дейди ҳар сафаргидек мамнун бўлиб Хошимжон Абдувоҳидов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Она ва бола муҳофазаси

Анджон шаҳридаги 3-туғруқхона жамоаси икки йил муқаддам БМТнинг Болалар жағмармаси — ЮНИСЕФнинг махсус дипломи билан мукофотланган эди. Яқинда маъзур туғруқхонада «Туғилганларни она сuti билан боқилиши қўллаб-қувватлаш бўйича бутунжаҳон ҳафталиги» доирасида кўргазмали семинар ўтказилди. Унда гинеколог-шифокорлар, олимлар, шаҳар ва туманлар болиқини сақлаш муассасалари раҳбарлари, шунингдек, жамоатчилик ва илмий-тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этишди.

— Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва халқаро ташкилотларнинг амалий ёрдамлари натижасида маъзумани замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди, — дейди бош шифокор С. Аҳмаджонова. — Шу боис ҳам бизда оналар ва болалар учун барча шароитлар яратилган.

Еш оналар, қайнона ва келин, ёш оталар клублари, шунингдек, маҳалла қўмиталари ва уй шифокорлари лойиҳалари бўйича ташкил этилган жамоатчилик асосида ишловчи маслаҳат марказида олиб борилаётган ишлар кўргазмали семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдириди.

ХИКМАТ

Қариликнинг юзимиздан кўра ақлимизда ажинлар ҳосил қилишидан эҳтиёт бўлайлик.

САВОЛ БИЗДАН...

Кечаги сонда берилаган саволнинг жавоби:

Намибия, Эритрея

Готланд ороли қайси давлатга қарайди?

136-35-60

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ БИЗНЕС МАКТАБИ

2002/2003 ўқув йилига абитуриентларни кичик ва ўрта бизнес йўналишларининг қуйидаги мутахассисликлари бўйича ўқишга ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- дизайн ва реклама;
- менеджмент-бизнес бошқаруви;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
- ҳўжалик ҳуқуқи;
- кадастр, кўчмас мулкни баҳолаш;
- банк иши;
- газ ва сув тармоқлари.

Ўқиш муддати кундузги бўлимда — 2 йил, сиртки бўлимда — 2 йилу 8 ой. Мактабни битирганларга ўқиш якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълимнинг махсус даражасини белгиловчи малака ва давлат намунасидаги диплом берилди.

Дарсларни Тошкент архитектура-қурилиш институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент техника университети, Ўзбекистон давлат ва жамият қурилиш академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг тадбиркорлик йўналишлари бўйича ишлаб чиқаришда юқори малакага эга бўлган мутахассислар олиб борадилар.

Ўқув жараёнида хорижий тиллар ҳамда компьютер йўналишларини чуқур ўрганиш имконияти яратилади.

Бизнес мактаб битирувчиларига хусусийлаштирилган ва давлат тасарруфидан чиқарилган тузилмаларда иш жойлари тақлиф этилади.

Ҳужжатлар ҳар кун соат 9.00дан 17.00гача (яқинбадан ташқари) қабул қилинади. Қабул 2002 йил 5 сентябргача давом этади. Ўқишга қабул қилишда тест сновий натижалари ҳисобга олинади. Қишлоқ йиллари давлат гранти ҳисобидан ўқитилади. Ётоқхонага муҳтож талабалар ётоқхона билан таъминланадилар.

Манзилимиз: Тошкент ш., Навоий к., 13-уй, 2-бино, 2-қават, 228-хона. Телефон: 41-13-62, 28, 45, 91, 97-автобуслар, 4, 10, 18, 20-троллейбуслар, 7, 8, 16-трамвайларнинг «А.Навоий номидаги Санъат саройи» бекати.

ҲУРМАТЛИ «ЮНУСОБОД УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик жамияти томонидан 1998, 1999, 2000, 2001 йиллар якунлари бўйича акцияларга дивиденд тўловлари ўз вақтида амалга оширилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган йиллар бўйича дивиденд пулларини олишга улғурмаган акциядорларни жамиятга келиб дивиденд пулларини олиб кетишларини сўраймиз.

Маълумот учун телефон: 121-67-79.

«Юнусобод универсал бозори» ОАЖ маъмурияти.

«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган меъбеллар, ёриткичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини тақлиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-ДИЗАЙН студияси

хонадонингиз, ҳовлининг, ландшафт дизайнини яқка тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича буюртмаингиз отказиб берилди.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йилги кўрсатиш ишлайми.

Тушлиқона ва дам олиш кўрсатиш ишлайми.

Манзилимиз: Кўнава (Саперная) кўчаси, 46-уй. Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94. E-mail: maxima@online.ru

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзлењнефтангистекция» жамоаси «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Олимжон Зокировка рафиқаси **Турсуной ЗОКИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Муборакнефтгаз» нефть ва газ конлари унитар корхонаси жамоаси «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раисининг ўринбосари О. А. Зокировка турмуш ўртоғи **ТУРСУНОЙ аянинг** бевақт оламдан ўтганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Гулҳан» журналы жамоаси таҳририят ходими Манзура Убайдуллоевага отаси **Темура ота МАҲКАМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Бухоронегазавоттранс» очик акциядорлик жамияти жамоаси «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Олимжон Зокировка умр йўлдоши **Турсуной ЗОКИРОВА**нинг фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

